

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Наманган вилоят ҳокимлигининг
ягона буюртмачи инжиниринг
компанияси директори



Д.Матмусаев

2022 йил

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН
КҮРСАТМАЛАР**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИНИ МАЗМУНИ:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Наманган вилоятида 60 та умумтаълим мактабларини стабилизатор жихози билан таъминлаш №Лот-2.

1.2 Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 154 800 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бошланиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ

2.1. Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Наманган шаҳар Амир Темур кўчаси -105 уй, электрон адрес: namuagona@exat.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий ва бошқа талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом, гувохнома, (агар халқаро сертификат мавжуд бўлса);
- Танлов таклифини таъминлаш тўғрисидаги Декларация;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солик тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги охириги З йиллик иш тажрибаси (шу жумладан танловга қўйилган обьектга ўхшаш обьектлар бўйича);
- Мавжуд машина ва механизmlарва бошқалар рўйхати.

- танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (шартномалари) объектлари;
- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов хужжатлар (техник қисм ва қурилиш ишларини бажариш муддати) мухрланган холда электрон равишда жойланади.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник хужжатлар рўйхати (шакллар илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тутагунга қадар ўз таклифларини қайтараб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади

1-жадвал

Таклиф ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник баҳолаш вараги

| Т/п | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи. | шакл № | Баллар микдори | Оферентлар | | | |
|-----|---|--------|-------------------|------------|----|----|-----|
| | | | | №1 | №2 | №3 | ... |
| 1 | Декларация | | | | | | |
| 2 | Ташкилотнинг ташкилий структураси | | | | | | |
| 3 | Танлов иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар | 2-шакл | 15 | | | | |
| 4 | Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи | 3-шакл | 20 | | | | |
| 5 | Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари | 4-шакл | 15 | | | | |
| 6 | Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги З ийллик иш тажрибаси | 5-шакл | 22 | | | | |
| 7 | Машина ва механизмлар рўйхати | 6-шакл | 21 | | | | |
| 8 | Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳакида маълумот | 7-шакл | 5 | | | | |
| | Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш хукукини берувчи ишончнома | 8-шакл | 2 | | | | |

VIII. Танлов таклифларини баҳолаш меъзонлари

8.1. Танлов ҳужжатида хар бир параметр бўйича мажбурий тартибда баҳолаш меъзонлари киритилиши керак.

8.2. баҳолаш меъзонлари 2-жадвалда келтирилган.

*Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буортмачи инженерининг компанияси буортмачилигига
объектларнинг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишида объектлар бўйича танлаш
таклифларини техник
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ*

| T/p | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори |
|---|--|----------------|
| I. Декларация | | |
| 1. | Пудратчи томонидан танловда иштирок этишга ва ўз таклифидаги зиммасига олинган мажбуриятлар ижросини сўзсиз кафолатловчи декларация | |
| II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл (15 балл) | | |
| 1. | Ташкилот структураси | 1 |
| 2. | Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлар мавжудлиги. | 3 |
| 3. | Иш стажига эга дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) | 3 |
| 4. | Ишлаб чиқариш техника бўлимида олий маълумотли мутахассисни мавжудлиги. | 2 |
| 5. | Доимий равишда ишловчи малакавий ишчилар мавжудлиги. | 4 |
| 6. | Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари мавжудлиги | 2 |
| III. Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи. 3 ва 4-шакллар (35 балл) | | |
| 1. | Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати | 10 |
| 2. | Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги | 10 |
| 3. | Ўтган йилда фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги | 8 |
| 4. | Объектнинг буортмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс хисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади) | 7 |
| IV. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл (22 балл) | | |
| 1. | Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: ийлига N (N — Буортмачи бошланғич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. | 11 |
| 2. | Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. | 11 |
| V. Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл(21 балл) | | |
| 1. | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) машина ва механизмларни мавжудлиги | 10 |
| 2. | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган кичик механизация воситаларини мавжудлиги | 11 |
| VI. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл (5 балл) | | |
| 1. | Танлов предмети — объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камидা 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида иnobатта олинади — 2 ва 7-шакллар | 5 |
| Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-шакл (2 балл) | | |
| 1. | Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги | 2 |

Изоҳлар:

* 3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

** Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектларининг баҳолаш якунларига кўра 70 баллдан кам балл тўпласа, мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф қўйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган хужжатлар кўриб чиқилмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари қуида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий ҳисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

IX. Танлов таклифларини молиявий қисмини баҳолаш мезонлари

| T/p | Иловаларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори | Оферентлар | | | |
|---|--|----------------|------------|----|----|-----|
| | | | №1 | №2 | №3 | ... |
| I. Таклиф этилаётган нарх (10 балл) | | | | | | |
| 1 | Иштирокчининг таклиф этган энг паст нархи – 30 балл Иштирокчининг буюртмачи бошланғич нархидан юқори нархлари рад этилади. Нархга бериладиган баллар Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси “etender.uzex.uz” портали томонидан автоматик тарзда баҳоланади. | 10 | | | | |
| II. Биринчи йиғма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори Танлов таклифларининг баҳолаш вароги (60 балл) | | | | | | |
| 1. | Танлов таклифларини техник баҳолаш якунига кўра кўп балл тўплаган иштирокчига – 70 балл. | 90 | | | | |

9.1. Агар баҳолаш мезонида бошқа маълумотлар келтирилган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра баҳолар гурухи аъзолари танлов таклифларининг қуидаги баҳолаш якуний жадвалини тўлдиришади:

| T/p | Иловаларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори | Оферентлар | | | |
|--|--|----------------|------------|----|----|-----|
| | | | №1 | №2 | №3 | ... |
| I. Таклиф этилаётган нарх (10 балл) | | | | | | |
| 1 | Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини ҳисобга олган ҳолда). | 10 | | | | |
| 2. | Танлов таклифларини баҳолаш вароги (техник баҳолаш). | 90 | | | | |
| | Жами баллар миқдори | 100 | | | | |

9.2. Танлов бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.

9.3. Танлов ғолибига тўловлар тузилган шартнома асосан Ўзбекистон Республикаси милий валютаси (сўм)да тўлаб берилади.

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН
КҮРСАТМАЛАР**

ШАКЛ № 1

Лойихачи ташкилот _____ нинг ташкилий структураси

(такшилот номи)

Ушбуни тузилган сана: «_____» 20 ____ г.

(Исми ва фамилияси)

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи _____

Иштирокчи раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____

Манзили ва телефон (факс) рақами _____

Юридик мақоми _____

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

| Тартиб T/p | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Курилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---------------|--------|---|--------------------------------------|-----------------------|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиqlари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими мухандислари ва бошқалар)

| T/p | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Курилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|-----|--------|---|------------------------------------|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)

| T/p | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан мутахассисликл ар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи хужжати борлари | Улардан (4-устундан) Қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари |
|-----|--------------------------|--|--|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами | | | |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Бетончилар разрядли | | | |
| | Фишт терувчилар разрядли | | | |
| | Том курувчилар разрядли | | | |
| | Пайвандчилар разрядли | | | |
| | Сантехниклар разрядли | | | |
| | Дурадгорлар разрядли | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ ____ ” ____ 20 ____ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда иичи ходимлар учун ушибу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

3 - ШАКЛ

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(танлов иштирокчисининг номи)

| АКТИВЛАР | ... й | ... й | ... й | ПАССИВЛАР | ... й | ... й | ... й |
|-------------------------------------|-------|-------|-------|-------------------------------------|-------|-------|-------|
| Узоқ муддатли активлар | | | | Ўз маблаглари манбай | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав капитали | | | |
| Шундан Ишлаб чиқариш фондлари | | | | Тақсимланмаган фойда | | | |
| Қолдиқ қиймат | | | | Мажбуриятлар | | | |
| Капитал қуийлмалар | | | | Займлар | | | |
| Тугалланмаган чиқариш | ишлиб | | | Кредитор қарздорлик | | | |
| Жорий активлар | | | | Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | |
| Айланма маблағлар | | | | Шундан бюджетдан қарздорлик | | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | | Шундан иши ҳақидан қарздорлик | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | | Жами баланс активи бўйича | | | |
| Жами баланс активи бўйича | | | | | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| Номи | ... й | ... й | ... й | Номи | ... й | ... й | ... й |
|--|-------|-------|-------|--|-------|-------|-------|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | | | Шундан асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | | | | Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 6. Даромад солиги тўловигача фойда | | | | 11. Зарар шундан асосий фаолиятдан | | | |
| 7. Даромад солиги | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси _____
Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятызлиги юзасидан суд иши олиб борилганми? _____

Танлов иштироқчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

| СТИР | Кури лиш ташкил оти тоифаси | Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) хисоботи кўрсаткичлари | | | | | | | | |
|----------|-----------------------------|---|--|---|----------|----------|---|---|------------|------------|
| | | Асосий восита лар колдик (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри | Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =5/(6-7) | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (020) =(9+10+11+12)/13 | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | |
| | | | | 390-сатр | 770-сатр | 490-сатр | | 480 - сатр | 570 - сатр | 580 - сатр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | | | | | | | | | | 13 |

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вактида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни куляй сотиши шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайланлигидан далолат беради.

Коэффициент қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{A2}}{\text{П2 - ДО}}, \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узок муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{(\text{П1} + \text{Дзк2}) - \text{A1}}{\text{A2}}, \text{ бунда:}$$

A1 - узок муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлими инг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узок муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узок муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиши йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

Мухр ўрни

Сана: “ ____ ” 20 __ й.

Изоҳ: Оферентнинг кейинги З йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хуносасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

5 - ШАКЛ

ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

(танлов иштирокчисининг номи)

| Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар суммаси | Шундан йиллар бўйича | | |
|--|----------------|--------------------------|----------------------|-------|-------|
| | | | ... й | ... й | ... й |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| Жами: | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “____” ____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____
(боши ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар иштирокчи томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА
ФОЙДАЛАНАДИГАН МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

| T/ р | Номи | Маркаси | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати | Техник холати | Балан сида ёки ижарада |
|----------------------------|---------|---------|------|-----------------------------|---------|------------------|------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |
| КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20__ й.

Изоҳлар:

1. 8 устунга қурилиши техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижараға олингандылык түгрисидаги маълумот киритилади.
2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижараға олингандан берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажарии даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЖОРӢ ДАВРДАГИ БОШҚА (ПУДРАТ
ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

| Т/р | Бујорт мачи номи | Объект номи | Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси | Шартнома суммаси, бошланиш ва якунланиш санаси | Мавжуд машина ва механизмлар номи | Танловнинг предмети – лойихани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган машина ва механизмлар сони – (ойлар бўйича) | | | |
|-----|------------------------|----------------|--|--|--|---|---|---|----|
| | | | | | | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20____ й.

Изоҳлар:

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган қурилии ишлари учун келгусида жалб этиладиган машина ва механизмлар сони кўрсатилади.

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ВА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРУВЧИ ИШОНЧНОМА**

Ташкилотнинг номи _____.
Ташкилотнинг манзили _____.

Мен, юқоридаги иштирокчи ташкилот раҳбари, мазкур ишончнома билан
_____ га иштирокчи
номидан
(*фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаган лавозими*)

объекти

(танлов савдоси предмети номи)

бўйича танловда қатнашиш ва иштирокчи номидан ҳужжатларга имзо чекиш ваколатини бераман. Бу ердаги барча маълумотлар аслига тўғри ва ҳақиқий бўлиб, биз бу ерда қилинган ҳар қандай нотўғри ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий томондан жавобгармиз.

Юқоридагиларга гувоҳлик бериб, мазкур ҳужжатларга ўз имзоларимизни қўйдик

(ишонч билдирувчининг Ф.И.О.)

(имзо)

(ишонч билдирилганинг Ф.И.О.)

(имзо)

“ ____ ” 20 ____ г.

Изоҳ: Танловда иштирокчининг раҳбари ишончномасиз иштирок этади.